O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 15 январь, № 10 (4925) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А. Т. Усмоновни Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ахмад Тугилович Усмонов Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

С. К. Хусеновни Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Самойдин Касимович Хусенов Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

С. У. Исмаиловни Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Сайфиддин Умарович Исмаилов Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Н. Зайниевни Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Нуриддин Зайниев Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 14 январь

Ҳарбийларга шинам уйлар

Шимоли-Ғарбий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Ватан ҳимоячилари кунини қўшалоқ байрам сифатида нишонлашди.

Туҳфа

Гап шундаки, улар мазкур айём арафасида янги уйларга эга бўлишди. 8 қаватдан иборат, 38 оилага мўлжалланган замонавий тураржойдаги шароитлар киши ҳавасини келтиради. Шинам, ёруғ, мебель ва маиший техника воситалари билан жиҳозланган хонадонлар соҳиблари ҳарбийларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга алоҳида миннатдорлик билдиришди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ВА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Урганч шаҳридаги "Феруз-Хоразм" очиқ акциядорлик жамияти — бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган корхоналардан бири. Гап шундаки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқариш субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларга эмин-эркин ишлаш, ўз маҳсулотларининг сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш имконини бермоқда.

Жараён

Натижада бу ерда тайёрланаётган замонавий ва сифатли кийим-кечаклар ички бозорда ўз харидорларини топиб бораётир. 2009 йилнинг ўн бир ойида 57 минг донадан ортиқ бежирим маҳсулотлар сотилгани бунинг исботидир.

Эътиборлиси, корхона мутахассислари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, уни ташқи бозорга чиқариш мақсадида доимий изланиш олиб бормоқдалар. Бунда, табиийки, цехларнинг замонавий тикув машиналари билан жиҳозлангани қўл келаётир.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида эса корхонада меҳнатнинг ушбу туридан кенг фойдаланилаяпти. Ҳозирда 10 нафардан ортиқ касаначи буюртмани бажариш орқали яхшигина даромад топиб, рўзғорига барака кираётгани шундан далолат беради.

СУРАТДА: корхона тикувчилари Иқбол Йўлдошева (чапдан), Гўзал Бўронова ва Раъно Ортиқова маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2009 йилда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди ва 2010 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Йиғилишда танловга Жиззах вилоятидан битта теле-, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридан жами бешта радиочастоталар бўйича тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан, шунингдек, теледастурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАСУР ЎҒЛОНЛАРИ

Қуролли Кучларимиз вакиллари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Юртимиздаги тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз тараққиётининг муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидланганидек, Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни Мустақиллик майдонида юртимиз посбонлари саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Анъанага кўра, майдонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси вакиллари ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони муҳтарам Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини барчамиз катта мамнуният билан ўқидик. Унда миллий армиямизни шакллантириш борасида қилинган ишлар, эришилган натижалар ва Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини кучайтириш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим устувор вазифалар хусусида батафсил сўз юритилган.

ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Бугун шуни фахр билан айтиш жоизки, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалик туфайли барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, юртимиз тараққиёти, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун пухта замин яратилмоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Оммавий ахборот воситалари орқали кузатаётган бўлсангиз, ҳозирда нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда мураккаб бир вазият ҳукм сурмоқда. Яъни, сайёрамизнинг турли нуқталарида маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршиликлар ва можаролар давом этмоқда, террорчилик хуружи, экс-

Дил сўзи

тремизм ҳамда бошқа таҳдидлар хавфи кучайиб бормоқда. Бу салбий жараёнлар бизни доимо огоҳ бўлишга, бугунги тинч ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайди.

Юртимиздаги фаровонликни таъминлашда давлатимиз раҳбари бошчилигида профессионал асосда шакланиб бораётган Қуролли Кучларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, табриқда таъкидлаб ўтилганидек, "...бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам, ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ

Португалиянинг рус тилида чоп этиладиган «Слово» газетасида Алексей Дьячковнинг «Ўзбекистон ўз энергетика тизимини яратади» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Унда Марказий Осиё ягона энергетика тизимининг ишлаши билан боғлиқ муаммолар, Нурек ГЭСида ўтган йилнинг ноябрь ойида технологик режимнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида юзага келган навбатдаги ҳалокат ва унинг Ўзбекистон энергия тизимига таъсири, шунингдек, Ўзбекистонда ўз ишончли энергетика тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилади.

Мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимидан чиқиш ҳақидаги қарори кейинги пайтларда турли хориж оммавий ахборот воситалари диққат-эътиборида экани айтилади. Амалдаги ягона энергетика тизими собиқ иттифоқнинг ривожланишига мос ҳолда ташкил этилган бўлиб, унда собиқ иттифоқдош республикалар ҳеч қандай

Дунё нигоҳи

мустақилликка эга бўлмаган ва уларга умумий ҳудуднинг бир қисми сифатида қаралган.

Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё ягона энергетика тизимининг фаолият юритиши гўёки таъминланди, амалда эса ҳеч қандай ваколат ва ҳуқуқ қолмади, оқибатда тизим шу қадар заифлашдики, унга аъзо бўлган ҳар қандай давлат назоратсиз ва қонунсиз равишда ўз манфаатлари йўлида электр энергиясини танлаб олишлари мумкин бўлиб қолди. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатларнинг бошқа давлатларга салбий таъсири ҳисобга олинмади.

Ушбу шароитда Марказий Осиё ягона энергетика тизимида узилишлар юзага келиб, минтақадаги давлатларга жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади ва энергетика тизимида зиддиятли вазият юзага келди. 2009 йил январдан март ойигача Қозоғистоннинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимидаги ўз фаолиятини тўхтатиши, Туркманистоннинг эса 2003 йилда ушбу тизимдан чиқиши бунга мисолдир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Экспортда ўсишга эришилди

НАМАНГАН. Якунланган йилда вилоят корхоналари томонидан 87,7 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилиб, 2008 йилдагига нисбатан 1,8 фоиз ўсишга эришилди.

Айтиш лозимки, ҳукуматимиз томонидан экспортчи корхоналарнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўсишга эришишни таъминламоқда. Хусусан, вилоятдаги "Гулшаншойи-импекс", "Марвель Джус КО", "Ширинлик", "Наманганмаш" сингари корхоналарнинг нафақат экспорт салоҳияти юксалди, балки ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ортди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уй бекалари қувончи

АНДИЖОН. Избоскан туманидаги Янги замон маҳалласида истиқомат қилаётган 180 та хонадонга "зангори олов" кириб борди.

Бунинг учун "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси туман бўлими томонидан 8 километр узунликда газ қувури тортилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 83 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Айтиш лозимки, мазкур тадбир боис тумандаги «Қўғай» маҳалла фуқаролар йиғини, Чангарчи маҳалласи, Пойтуғ шаҳарчасининг М. Тўхтабоев ҳамда Иттифоқ кўчаларидаги 300 дан ортиқ хонадонлар ҳам табиатнинг ушбу бебаҳо неъматидан баҳраманд бўла бошладилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сервитамин маҳсулотлар дастурхонга

НАВОИЙ. Зарафшон шаҳрида "Зарафшон пром-инвест" масъулияти чекланган жамияти ўтган йили 22 сотихли иссиқхона қуриб, фойдаланишга топширган эди.

Бунинг учун жамият томонидан 80 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Иссиқхонанинг 13 кишилик меҳнат жамоаси янги йил кунлари 30 миллион сўмлик сервитамин маҳсулотлар етказиб бериб, маъдан изловчиларни мамнун этдилар.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маълумки, Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида солиқ сиёсати ва тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси маъқулланиб, Президентимиз томонидан имзоланганидан сўнг, 2008 йил 1 январидан кучга кирган эди. Кодексда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ҳамда мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилган.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига биноан, икки йил давомида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлигини мунтазам мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, зарур бўлган ҳолларда эса уни янада такомиллаштириш учун таклифлар киритиш белгиланганди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида идоралараро махсус гуруҳ ва унинг доимий ишчи органи тузилган. Ўтган икки йил мобайнида ушбу ишчи органга Солиқ кодексини такомиллаштириш бўйича 1000 дан ортиқ таклифлар келиб тушди. Улар асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўтказилган семинарларда, давра суҳбатларида хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар, тижорат банклари, халқаро молия ташкилотлари ва экспертлар томонидан берилган таклифлардир. 2008 йилда келиб тушган ана шундай таклифлар асосида Солиқ кодексининг 79 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлигини мунтазам равишда мониторинг ва таҳлил қилиб бориш бўйича белгиланган муддатнинг иккинчи йилида, яъни 2009 йил мобайнида келиб тушган таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлар лойиҳалари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилган. Қуйи палата томонидан қабул қилинган мазкур қонунлар Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда Президентимиз томонидан имзоланиб, 2010 йил 1 январидан ҳаётга татбиқ этила бошланди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар, аввало, солиқ солиш тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, шу жумладан, Солиқ кодексининг ҳамда унга оид қонунларнинг айрим нормаларининг турлича талқин қилинишини бартараф этишни назарда тутади.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Солиқ кодексининг бир юз ўттиз тўртта моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, олтита моддасига 2010 йил учун тасдиқланган солиқ концепциясидан келиб чиққан ҳолда, ўн саккизта моддасига эса Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қўлланиладиган атамаларни бирхиллаштириш ҳамда икки ёқлама талқин этишларнинг олдини олишни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қолганлари эса бевосита Солиқ кодекси нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлашга дахлдордир.

Солиқ кодекси 20-моддасининг биринчи қисми фаолиятни битта жойда амалга оширмайдиган, бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган норезидентларни 183 кундан ортиқ фаолият юритганда рўйхатга қўйишни тартибга солувчи жумла билан тўлдирилди. Ушбу норма бугунги кунда амалиётдаги норезидентнинг доимий муассасаси тушунчасига доир ҳар хил талқинларни бартараф қилади. Шунингдек, Кодекснинг 22-моддасидаги "асосий фаолият тури", "бюджетдан ажратиладиган субсидия", "дивидентлар", "молмулк" ва "роялти" тушунчаларига таҳририй аниқлик киритилди. Кодекснинг 58-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра, ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар ҳам солиқлардан ортиқча тўланган маблағлар каби (57-моддаси) қайтариш тўғрисида ариза берилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилиши лозим. Шунингдек, Президентимиз томонидан 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор талабларидан ҳамда 2010 йил учун солиқ сиёсати концепциясидан келиб чиққан ҳолда тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисобнормалар билан тўлдирилди. Жумладан, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг олий ўқув муассасаларида тўлов-контракт асосида таълим олиш учун ўзи ёки фарзандларини ўқитиш учун йўналтирилган маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда тўланадиган маблағлари ҳамда қишлоқ жойларида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплашга қаратилган маблағлари солиққа тортилмайди. Шунингдек, кодексга яна бир қатор тўлдириш, таҳририй тусдаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Қонун кучга кирди

Шу ўринда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Ушбу Қонунга биноан, мамлакатимизнинг иккита қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддасига солиқларни, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳисоботларни, ҳисоб-китобларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини камайтиришга олиб келиши ёки олиб келмаслигидан қатъи назар, жарима солишни белгиловчи ўзгартиш киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги 215^3-моддасига биноан, тегишли орган ва ташкилотлар томонидан солиқ тўловчининг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш мажбурияти бажарилмаган ҳолларда ахборотни тақдим этадиган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланди. Ушбу норма мазкур органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишга ҳамда бундай ҳоллар юз беришининг олдини олишга қаратилган.

Шу билан бирга, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонунлар амалдаги солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилишга, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ҳамда мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада кучайтиришга, юртимизда ислоҳотларни амалга ошириш учун илғор замонавий солиқ солиш тизимига мос келадиган ва бюджетнинг даромад қисмининг шакланишини барқарор равишда таъминлайдиган ҳамда иқтисодий ўсишга таъсирчан омил бўладиган самарали солиқ тизими барпо этилишига хизмат қилади.

Абдурашид АЛТИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор". Бу, шубҳасиз, ҳар биримизни ғурурлантиради.

Дарҳақиқат, армияни ислоҳ қилиш борасида татбиқ этилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Армиямиз сафларини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланганги, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани Қуролли Кучларимизнинг қиёфасини, унинг жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Ватан ҳимоячиларига давлатимиз, халқимизнинг эътибори чексиз. Бунга куни кеча пойтахтимизда очилган, теран маъно-мазмунга эга "Ватанга қасамёд" ҳайкалини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур муҳташам мажмуа бизга она-юрт олдидаги масъулиятимиз, муқаддас бурчимизни англатиб туради.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичли танлов ўтказиш яхши анъанага айланган. Шунга асосан, 2009 йилдаги энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва илғор сержант аниқланди, мен эса "Энг илғор батальон командири" деган номга сазовор бўлдим. Фахрланарли жиҳати, давлатимиз раҳбари Фармонига асосан, "Жасорат" медали билан тақдирландим. Бу қўшалоқ хурсандчилик ҳаётимдаги энг унутилмас онлар бўлиб қолади. Ушбу шарафли номга муносиб бўлиш учун бундан кейин ҳам куч-ғайратимни аямайман.

Президентимиз табригида Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини янада юксалтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилди. Ана шу вазифалар бундан кейинги фаолиятимизда бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳусниддин РАҲИМОВ,
капитан.

Яхши хабарлар

ЖИЗЗАХ. "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши Баркамол авлод йилида шаҳардаги "Болалар истироҳат боғи"ни ободонлаштириш, кўркам дам олиш масканига айлантириш ташаббуси билан чиқди.

Боғ янада кўркамлашди

Шу мақсадда уюштирилган хайрия ҳашарида ҳаракатнинг 500 дан ортиқ аъзоси иштирок этди. Боғдаги ариқлар тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Шу куни талаба ёшлар кучи билан 9 миллион сўмликка яқин иш бажарилди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кредит баракаси

САМАРҚАНД. Пайариқ туманилик тадбиркор З. Дангалов банкдан олган 31 миллион сўмлик кредити ҳисобига сутни қайта ишлайдиган корхона ташкил қилди.

У раҳбарлик қилаётган "Пайариқ оқ чашмаси" кичик корхонасида Франциядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 6 тоннагача 7 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборли томони, тадбиркор саъй-ҳаракати билан 12 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Истеъдодларни излаймиз»

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукусда халқ таълими соҳасида "Истеъдодларни излаймиз" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Баркамол авлодни тарбиялашда мураббийларнинг ижодкорлик қобилиятларини рағбатлантириш ҳамда улар фаолиятига эътиборни кучайтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган муаллимлар ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра, Қўнғирот туманидаги 43-мактаб ўқитувчиси Х. Қурбониязова биринчи, Беруний туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Б. Алланов иккинчи ҳамда Тахтакўпир туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Г. Жабборберганова учинчи ўринни эгаллади.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИФАТЛИ, АРЗОН ВА РАҚОБАТБАРДОШ

маҳсулотлар бозорлар кўрки, фаровонлигимиз белгисидир

Шу кунларда ишлаб чиқариш жамоалари ортга бир кўр назар ташлаб, 2009 йилни сарҳисоб қилмоқдалар. Негаки қилинган меҳнат самараси унинг натижаси билан ўлчанади-да. Дастлабки хулосалар якунланган йил иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида жадал ривожланиш даври бўлганидан далолат бермоқда. "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси тизимидаги муваффақиятлар сўзимиз исботидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Гап шундаки, 50 га яқин йирик корхоналар уюшган мазкур тизимда ўтган йили 28 миллиард 264 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 130,5 фоиз ўсишга эришилди.

Соҳа мутахассислари мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар рағбатлантирувчи омил бўлганини алоҳида таъкидлашмоқда. Чунки берилган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, кенг ҳажмда технологик жиҳатдан модернизация қилиш лойиҳалари рўёбга чиқарилди. Пировардида қўплаб турдаги, жами 5,2 миллиард сўмлик маҳсулот маҳаллийлаштирилди, касаначилик асосида 116 та иш ўрни яратилди.

Айтиш жоизки, ички бозорни сифатли пойабзал билан таъминлашда пойтахтимиздаги "Faravon Shoes" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам салмоқли улуши бор. 2009 йилда иш бошлаган ушбу корхона ўзининг сифатли маҳсулотлари билан қисқа давр ичида харидорлар ишончини оқлаб, йил охирига қадар уларга 1 миллиард 160 миллион сўмлик пойабзал етказиб бергани, шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

Жамият цехлари чет эл давлатларининг энг замонавий ускуна ва дастгоҳлари билан тўлиқ жиҳозланган. Йил аввалида бу ерга Хитойдан умумий қиймати 320 минг АҚШ долларилик замонавий линия, Италиядан 280 минг евро эвазига қуйма дастгоҳ олиб келиб ўрнатилди. Бундан ташқари, Германия ва Россия давлатларидан тикув машиналари сотиб олинди. Ана шу ускуналар ёрдамида эндиликда хорижникидан асло қолишмайдиган бежирим пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунга қадар корхонада 100 дан зиёд пойабзал моделлари яратилгани ва уларнинг 30 дан ортиғи ишлаб чиқаришга татбиқ этилгани эътиборга моликдир. Улар эркаклар ва аёллар оёқ кийимлари, шунингдек, спорт пойабзалларидан иборат. Эндиликда жамоа асосий эътиборни аёллар ва ўсмир қизлар учун оёқ кийимлар тайёрлашга қаратмоқда. Сабаби, бундай маҳсулотлар мамлакатимиздаги саноқли корхоналарда ишлаб чиқарилиши туфайли унга бўлган эҳтиёжнинг салмоқли қисми импорт ҳисобига қондирилаётган эди. Бу ҳаракат ички бозорни маҳаллий моллар билан тўлдиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Хитой давлатидан келтирилган линия мижозлар талабларига тўла жавоб беради ва замонавий моделлардаги пойабзаллар ишлаб чиқариш имконини бераяпти.

Мутахассисларнинг айтишича, жамият маҳсулотлари гигиена талабларига тўла жавоб беради. Чунки у сўнгги технологиялар асосида асл хом ашёдан тайёрланаяпти. Нархи эса турдошларига нисбатан бирмунча арзон. Бу хом ашёнинг сероблиги билан изоҳланади. Яъни, асосий ашё – чарм борасида муаммо йўқ. Қолаверса, яна 30 хилдан зиёд иккиламчи материалларнинг деярли барчаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Бу, табиийки, маҳсулотнинг пишиқ, нархи арзон бўлишини таъминламоқда.

Сир эмас, рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда маҳсулотнинг ташқи кўриниши, дизайни масалаларига жиддий эътибор қаратилмаса, муваффақият қозониб бўлмайди. Буни яхши англаган корхона дизайнерлари бозор талабидан келиб чиққан ҳолда, янги-янги моделлар яратишмоқда. Улар орасидан энг муносиблари сараланиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётир. Бичиш, шакл бериш ишлари эса автоматлаштирилган дастгоҳларда янгича усулда олиб борилаяпти. Бу ерда дастлаб белгиланган ўлчам бўйича чарм бичилади. У моҳир тикувчилар томонидан тикилгач, махсус ускуна ёрдамида шакл берилади. Сўнгра қуйма дастгоҳда тагчарми қўйилади. Бу жараёнда эса елимдан фойдаланишга ҳожат қолмаслиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Тизимдаги изчил янгиланишлар "Faravon Shoes" МЧЖ сингари кўплаб корхоналар фаолиятида акс-садо бериб, иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига, ички бозор тўкинлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган сурат.

МУСТАҚИЛ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мақола муаллифи ҳаракатларга рози бўлмайдиган туганмас далиллар ва Мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг буйруғига кўра, баъзида ҳатто ҳамоҳанг тарзда ишлаётган Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизимига аъзо бўлган давлатларнинг энергетика тизими режими қўпол равишда бузилиши оқибатида мунтазам равишда ҳалокатлар ва диспетчерлик режимларнинг бузилиши юзага келаётганини баён қилади.

Ўтган йилнинг 9 ноябрь куни Тожикистондаги Нурек ГЭСида агрегатларнинг ғайриихтиёрий тарзда тўхтаб қолиши оқибатида юзага келган тизимли ҳалокат туфайли Тожикистон энергетика тизимининг Вахш дарёсидаги барча ГЭСлар, ҳатто яқинда барпо этилган Сангтудин ГЭСи фаолиятининг тўхтаб қолгани учун Тожикистон энергетика тизимининг Жанубий қисми бутунлай ўчди.

Экспертларнинг баҳосига кўра, ҳалокат технологик режимларнинг қўпол равишда бузилиши натижасида, яъни, эрта тонгда электр энергияси истеъмоли ҳажмининг ниҳоятда ортиши, захира қувватларининг мавжудлиги инобатга олиниб, энергия ишлаб чиқариш ҳажми энергетика тизими имкониятларидан анча паст бўлгани оқибатида юз берган. Бундай вазиятда истеъмолнинг меъёридан ортиқ қисмини автомат тарзда ўчириб қўйиш механизми ва мазкур жараёнларнинг тезкорлик билан бошқарилишини назорат қилувчи диспетчерлик хизматларининг ҳеч бири ишламаган.

Ҳалокат Ўзбекистоннинг энергетика тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бунинг оқибатида Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги энергетика тизимининг магистраль электр узатиш тармоғи вақтинчалик ўчириб қўйилган ва шу боис қўшни Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳам тўхтатилган эди.

Мазкур вазиятда воқеаларнинг бундай тус олишига Тожикистоннинг ўзи сабабчидир. У Марказий Осиё ягона энергетика тизими ва «Энергия» консультатив-диагностика маркази фаолиятига оид шартномалар ҳамда белгиланган қоидаларни мунтазам равишда бузиб келди. Шунингдек, электр энергиясини ноқонуний танлаб олиш натижасида қўшни мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг энергия тизими учун жиддий муаммоларни юзага келтиришни давом эттирди.

"Юзага келган бундай шароитда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизимида келгусида иштирок этишининг имкониятини кўрмаяпти ва ҳеч ким Ўзбекистоннинг ўз мустақил, мустаҳкам энергетика тизимини яратиш ҳуқуқини инкор эта олмайди", дейилади мақолада.

«Жаҳон» АА.
Лиссабон

Навоий вилоятининг табиати ўзгача: ёзда иссиқ забтига олса, қишда совуқ этни жунжиктиради. Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар туфайли ушбу минтақа ҳам тобора обод бўлиб, бу ерда яшовчиларнинг турмуш даражаси кўтарилиб бораётир. Қувонарлиси, чекка қишлоқ ва овулларда умргузаронлик қилаётган юртдошларимиз ҳам тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминланмоқда. Кейинги йилларда Учқудуқ туманида биргина газ таъминотида рўй берган ўзгаришлар бунинг исботи бўла олади.

БАРЧА ҲУДУДЛАР – ЭЪТИБОРДА

Айтиш жоизки, Учқудуқнинг овуллари вилоят марказидан олти юз километр олисда жойлашган. Бу газ қувурлари тортиш хийла мураккаб эканлигидан далолат беради. Шунга қарамай, аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш йўлга қўйилгани, аниқроғи, 1772 хонадон "зангори олов" тафтидан баҳраманд бўлгани диққатга сазовордир. Айниқса, ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бундай хайрли ишлар, шунингдек, Томди, Конимех, Нурота, Хатирчи туманларида ҳам рўёбга чиқарилди. Натижада жами 22132 хонадонга суюлтирилган газ кириб борди. Улардан 4383 таси тоғли ҳудудларда жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бажарилган ишларнинг қўлами ва аҳамияти яққолроқ намоён бўлади, албатта.

— Қиш мавсумида аҳоли ва йирик саноат корхоналарига узлуксиз "зангори олов" етказиб бериш учун барча имкониятлар ишга солинган, — дейди вилоят газ бошқармаси бошлиғи Аҳад Аҳмедов. — Бугунги кунда жойлардаги филиалларда фаолият кўрсатаётган 820 нафар етук муҳандис ва техник ходим меҳнати билан ўчоқларда ўт ўчмаяпти.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 134 минг хонадон, 61 йирик ишлаб чиқариш корхонаси ва 2548 та маиший хизмат кўрсатиш ташкилотига табиий газ 4500 километрлик ўрта ва паст босимли газ қувурлари, 2900 дона газ тақсимлаш қурилмаси ҳамда 11 та газ тақсимлаш станцияси орқали етказиб берилади. Мавсум аввалида "зангори олов" кириб борган қишлоқ ва овуллардаги қувурлар ҳамда қурилмалар тўла техник кўрикдан ўтказилгани ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Шу билан бирга, 104 та улгуржи истеъмолчига электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилгани эвазига 220 минг кубометр газ тежаб қолинадиган бўлди.

Таъминот

Бугунги кунда газ таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш борасида ҳам барча чоралар ишга солинмоқда. Ҳар бир филиал махсус автотранспорт воситалари ҳамда пайвандлаш ускуналари билан таъминлангани бунда қўл келаяпти. Масалан, саҳро қўйнидаги олис манзилларда истиқомат қилаётган аҳолига баллонли газ етказиб бериш мақсадида еттита автоулов харид қилинди.

Бундан ташқари, аҳолининг табиий газ билан таъминланишини янада яхшилаш учун 10,7 километр узунликдаги яроқсиз ҳолга келган қувурлар мукаммал таъмирланиб, газ босимини меъёрига етказиш йўлга қўйилди. Аҳоли ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 25,6 километрлик янги газ қувурлари тортилди. Натижада Кармана туманидаги Дўрмон, Навруз ва Чорвадор, Қизилтепа туманидаги Олмазор, Конимех туманидаги Дўстлик, Навбаҳор туманидаги Меҳнат, Хатирчи туманидаги Бурқут шаҳарчаларида кейинги йилларда барпо этилган мавзелар аҳолиси ҳам табиий газдан фойдалана бошладилар.

Бироқ давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратиб берилаётган қулайликларни суиистеъмол қилувчи кимсалар учраётгани таажжубланарлидир. Чунончи, олтита улгуржи корхонада қонунбузарликка йўл қўйилган. Шу боис уларнинг мутасаддилари қилмишлари учун маъмурий жавобгарликка тортилди: ўғринча ёқилган табиий газ учун 25287 минг сўм маблағ давлат ғазнасига кирим қилинди.

Айни пайтда соҳа мутахассислари бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида назоратни кучайтириб, истеъмолчилар қарздорлигини камайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Мақсад битта: аҳолига табиий газни узлуксиз етказиб бериб, уларнинг хонадонларига хушнудлик бахш этишдир.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Изланиш

90 фоиз маҳсулот – хорижга

ФАРҒОНА. Риштон туманидаги "Рус-Ўзбек-Текс" қўшма корхонасига Япония ва Европадан олиб келинган янги технологиялар ўрнатилгач, ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ошди.

Ҳозир корхонада ойига 400 тонна калава ип тайёрланмоқда. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 110 тоннага кўпдир.

Эътиборли томони, қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабарингиз бор, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бир қанча давлатлар иқтисодиётига анчайин салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетиши, иш ўринларининг қисқариши, талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликнинг ортиши дунё давлатлари иқтисодиётига сезиларли даражада зарар келтирди. Бу жараён аксарият ривожланган давлатларда айни чоғда ҳам давом этмоқда. Президентимиз томонидан олдиндан ўйланган ва амалга оширилган одилона сиёсат ушбу молиявий бўҳроннинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш ва юмшатиш имконини берди. Дастурда банк тизимини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикамиз банк тизимида 2009 йилда ҳам ижобий натижаларга эришилиб, 2008 йилдагига нисбатан иш самарали ташкил қилинди, десак муболаға бўлмайди.

Халқ банки:

МИЖОЗ МАНФААТИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Буни биргина Ўзбекистон Республикаси Халқ банки мисолида кўрадиган бўлсак, инқирозга қарши ишлаб чиқилган дастурда белгиланган йўналишлар асосида иш юритилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Банкнинг асосий вазифаси миллий валютамиз қадрсизланишига йўл қўймаслик билан бир қаторда, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишдир. Шу орқали ресурс базасини мустаҳкамлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини ошириш, мижозлар учун янги банк хизматларини жорий этиб бориш банк фаолиятининг асосий тамойилига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2008 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабига кўра амалга оширилган самарали тадбирлар натижасида банкнинг жами капитали йил бошидагига нисбатан 40,7 миллиард сўмга ёки 135,1 фоизга ортиб, 156,7 миллиард сўмни ташкил этди. Жами активлар 381,3 миллиард сўмга ёки 72,1 фоизга ортиб, 910,1 миллиард сўмга етказилди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида одамларнинг шахсий ташаббускорлиги, топқирлигию зукколигига таянган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёсдир. Халқ банки мутахассислари худди шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Натижада ўтган йили ажратилган кредитлар 444,1 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 150,2 миллиард сўми инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг ижроси Халқ банки имкониятларини янада кенгайтирди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк кредит портфели ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 бараварга ортиб, 419,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шу маблағнинг асосий қисми, яъни 353,4 миллиард сўми узоқ муддатли кредитлардир.

Бугунги кунда банк кредитлари эвазига ўз фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйган, ишлаб чиқаришни кенгайтирган ва хориждан энг замонавий техника ҳамда технологияларни келтириб ўрнатаётган тадбиркорлар сафи кундан-кунга ортиб бораяпти. Давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзига ишончли ҳамкор сифатида Халқ банкини танлаган ишбилармонлар учун банк томонидан қўшимча қулайлик ва хизмат турлари ҳам яратилмоқда.



Ўтган йил Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланди ва ана шу йўналишда Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастур ижроси самараси ўлароқ, юртимиз қишлоқларида катта ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу хайрли ва улкан бунёдкорлик ишларидан Халқ банки жамоаси ҳам четда тургани йўқ. Банк томонидан бевосита қишлоқ хўжалиги тизимини молиялаштиришга 102,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Банк мижози сифатида фаолият юритаётган фермеру ишбилармонларни янги молиявий тартиб-қоидалар билан таништириш, уларга бизнес-режа тузиш ва бошқа зарурий бухгалтерия ҳужжатларини тўғри юритишда кўмаклашиш масаласида ҳам бир қатор тадбир ва ўқувлар ташкил этилди. Ўз режаси ва аниқ мақсади бўлган, янги иш ўрни яратишни ният қилган фуқароларга кредит бериш масаласи ҳам доимий равишда йўлга қўйилди. Энг муҳими, асосий эътибор берилган қарзнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга қаратилмоқда. Чунки кеча берилган ва фойдаси билан бугун қайтарилган маблағ эртага яна бир бошқа тадбиркорнинг корига ярайди. Буни ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда кўрсатиб турибди. Сир эмас, бозор муносабатлари ривожланиб боргани сайин жамиятимизда аёллар ўртасида ҳам тадбиркорликка мойиллик кучайиб бораяпти. Халқ банки томонидан бундай ғайратли ва шижоатли аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Тадбиркор аёллар учун 20,8 миллиард сўмлик бизнес-лойиҳалар молиялаштирилгани фикримиз исботидир.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқда яшаётган кишилар учун катта имкониятлар эшигини очиб бергани ҳеч кимга сир эмас. Чорва боқишга иштиёқи, шароити бор 12640 нафар фуқарога мазкур қарорга кўра, Халқ банки томонидан 11,9 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди. Юқорида баён этилган кенг кўламли ишлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларига берилган кредитлар ва уларнинг мақсадли йўналтирилгани боис кейинги бир йил ичида 117 минг 386 та янги иш ўрни яратилди. Бу шунча оилага қут-барака, тотувлик кириб келди, деганидир. Натижада минглаб кишилар янги корхоналарга ишга жойлашди, банк маблағи эвазига бунёд этилган цехларда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу нақадар муҳим эканлигини банкнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган тадбиркорларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар. Шунингдек, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра, 5222 нафар оилага 25,5 миллиард сўмлик ипотека ва микрокредитлар ажратилди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, истеъмол кредитлари ажратилишидаги устуворлик юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишга қаратилди.

Инвестициявий лойиҳалар — тараққиёт омили

Банк нуфузи унинг маблағлари қайси соҳаларга жойлаштирилишига ҳам бевосита боғлиқ. Йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш мамлакат иқтисодиётининг янада мустаҳкамланиши, пировардида ишлаб чиқариш тармоқларининг янада кенгайишига хизмат қилгани сингари мазкур тармоқни молиялаш учун зарур бўлган маблағни берган муассасага ҳам катта манфаат келтиради. Шу маънода Халқ банки томонидан Президентимизнинг 2008 йил 2 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори, 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 ва 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли фармонлари талабларига кўра мазкур ҳужжатларда назарда тутилган манзилли инвестициявий лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилди. Жумладан, Навоий конметаллургия комбинатига 37 миллиард сўм берилди (лойиҳанинг умумий қиймати — 46,2 миллиард сўм).

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Янгиер — Жиззах» йўналишида икки йўлли ва «Янгиер — Фарҳод» йўналишида бир йўлли электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш», «Тўқимачи — Ангрен» темир йўл участкасини электрлаштириш» объектлари қурилишига банк ўз маблағлари ҳисобидан 3 миллиард сўм ажратди. Яна шу компаниянинг иккита лойиҳасига: «Мароканд — Қарши — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл участкаларини электрлаштириш» лойиҳасига жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари ҳисобидан 1,5 миллиард сўм, «Қуювмеханика заводи» ҳаракатдаги таркибининг созлаш базасини ривожлантириш» объектида қурилиш ишлари айланма маблағини тўлдириш учун 1 миллиард сўм ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 16 июлдаги ПҚ-1161-сонли қарори ижросини таъминлаш ва «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖнинг «Хандиза кони полиметалл рудаларини қайта ишлаш» инвестициявий лойиҳасини молиялаштириш мақсадида мазкур корхонага хизмат кўрсатувчи «Ипотекабанк» билан 43,5 миллиард сўмлик (2009 — 2010 йилларда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади) шартнома имзоланди. Мазкур лойиҳага бугунгача 3 миллиард сўм берилди.

Айни пайтда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. «Ўзавтосаноатлизинг» компаниясига Наманган шаҳрида йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида «СамАвто»да ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олиш учун 1,95 миллиард сўмлик кредит линияси очилди. Буларнинг бари банк ходимларининг фаоллиги билан тез ва сифатли амалга оширилаётгани, кредит маблағларининг ўз вақтида қайтарилиши қатъий назоратга олингани боис бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Банк омонатлари орқали мижозларга яратилган имкониятлар

Банкнинг асосий мақсадларидан бири, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиб, банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаб, аҳоли ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банкнинг муддатли ва жамғарилувчи омонатларига жалб қилишдир. Бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасида 2009 йил давомида банк жисмоний шахслар депозит ҳисоб рақамлари орқали 1,3 триллион сўм маблағлар миқдорида айланганлиги юртдошларимизнинг банкка бўлган ишончини янада орттирди. 2010 йил жисмоний шахсларнинг омонат қолдиқлари 197,8 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 178,5 фоизга кўпайган.

Шунингдек, аҳоли талаб ва таклифларини, депозит бозоридаги кредит ресурсларига бўлаётган эҳтиёж ҳамда мижозларнинг муддатли ва жамғарилувчи омонат турларига бўлган қизиқишларига алоҳида эътибор қаратилиб, «Миришкор деҳқон», «Болажон келажаги», «Водий ниҳоли», «Камолот сари», «Қиш зийнати» каби йўналишда янги 26 та омонат тури жорий этилди. Мазкур омонатларга аҳолининг 144,4 миллиард сўмдан ортиқ бўш пул маблағлари жалб этилди. Аҳамиятли томони шундаки, омонат турларини жорий этишда депозитлар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини ҳар ойда ёки омонат очилган кундан нақд пулда, шунингдек, ҳисобварақ очилган куннинг ўзида фойдаланилган коммунал тўловлар учун олдиндан нақд пулсиз ўтказиб бериш каби имкониятларнинг йўлга қўйилиши бу, ўз-ўзидан, банкка ишонч билдирган омонатчилар сонининг тобора ортиб боришига замин яратди. Бу омонатларнинг аксарияти ютуқли бўлиб, юртимизда кенг нишонланадиган байрам саналарига бағишлаб ютуқли омонатларни жорий этиш ҳам банкда анъана тусини олган. Ўтган 2009 йил мобайнида ана шундай байрамлар арафасида жорий этилган «Навбаҳор», «Байрам туҳфаси», «Янги йил» ютуқли омонатларига 3 миллиард сўмга яқин аҳоли маблағлари жалб қилинди. Ўтган йил давомида банк жамоаси томонидан бу борада яна бир савобли ишга қўл урилди, яъни пенсия ва нафақа олувчи юртдошларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижтимоий-рағбат» ютуқли омонат тури жорий этилди. Мазкур омонат тури бўйича ютуқлар тиражи ой сайин ўтказилиб, ҳар бир тиражда 30 миллион сўмлик ютуқлар ўйналди.

Бундан ташқари, ўтган йили жорий этилган «Соврин плюс», «Олтин куз», «Пахтакор-2» омонатлари ҳам юртдошларимизни бефарқ қолдирмади, улардаги ютуқлар жамғармаси пул ютуқлари билан биргаликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлардан ташкил топган бўлиб, банк мижозлари мазкур омонат орқали нақд пул, кир ювиш машинаси, электр дазмол каби қатор уй-рўзғор буюмларини ютиб олишди. Шунингдек, аҳолининг ютуқли омонатларга қизиқишини инобатга олиб жорий этилган «Саёҳат» ютуқли омонати бўйича юртдошларимиз ўтказилган тиражларда хорижий мамлакатлардан Италия, Туркия, Франция, Чехия давлатларига ҳамда юртимизнинг кўҳна ва навқирон масканлари — Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига сайёҳлик йўлланмаларини қўлга киритишди. Тўғрисини айтганда, банкнинг бу йўналишдаги ишлари юқори савияда ривожланиб бормоқда. Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида банк томонидан 50 миллиард сўмлик юридик шахслар учун депозит сертификатлар чиқарилди ва шунинг 13,1 миллиард сўми бугунгача ўз эгаларини топди. Банк ресурс базаси ўтган бир йил ичида 42,5 миллиард сўмга кўпайиб, жами 855 миллиард сўмни ташкил этди. Ўтган йил бошида аҳоли депозитлари қолдиғи 271,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига (195 миллиард сўмга кўпайиб) 466,3 миллиард сўмга етди. Амалиётда қўлланилаётган янгиликлар, билимдон мутахассисларнинг ташаббускорлиги банкка катта манфаат келтираётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Миллий валюта — сўмнинг қадр-қиммати, тўлов қобилиятини оширишда пластик карточкалардан унумли фойдаланиш ва терминаллар сонини кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам қўл келаяпти. Терминалларнинг кўпайиб бораётгани одамларга қулайлик туғдирмоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, режадаги 350 мингта ўрнига 370 минг 700 дона пластик карточка эмиссия қилинди. Ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги пластик карточкалар сони 105,8 мингтага етди. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жойларда 7235 та, шу жумладан, 383 та банк муассасаларида ҳамда 6852 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида терминаллар ўрнатилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида банк капиталининг йил сайин ортиб бораётганлиги, молия муассасасининг молиявий имкониятлари янада кенгайиши Халқ банкининг нафақат мижозлар олдидаги нуфузининг бундан-да ортишига олиб келди, балки мамлакат банк тизимидаги ўз ўрни ва салоҳиятининг ошишига омил бўлди. Шунингдек, сўнгги тўрт йил ичида банкнинг жами активлари 910 миллиард сўмга ортиб, 12,7 бараварга кўпайди. Бундан ташқари, банк раҳбарияти мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли ва мижозлар учун қатор қулайликлар яратиб бериб, хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида минибанк ва махсус кассалар сонини кўпайтирди. Ўтган давр мобайнида минибанклар сони 265 тага, шохобчалар ва махсус кассалар сони эса 3116 тага етказилди. Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси томонидан амалга оширилган қатор мақсадли тадбирлар натижасида банк ресурс базасининг мунтазам мустаҳкамланиб бориши, унинг кредитлаш салоҳияти кенгайишига эришилди ва кредит қўйилмаларининг мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилди. Пировардида 2009 йил якунлари бўйича олинган фойда ҳажми 22 миллиард 458 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг ўзи ҳам Халқ банки тадбиркорлик субъектларининг ишончли ва халқимизнинг оила банкига айланиб бораётганидан далолат беради.

Маълумки, нақд пулнинг банк орқали айланиши миллий валютамизнинг қадрсизланишига тўсиқ бўлади. Шу боис Президентимиз томонидан нақд пулнинг банкдан ташқари айланишига қарши жиддий чоралар кўрилмоқда. Бу ҳақда бир қатор Фармон ва қарорлар эълон қилинганки, уларнинг ижросини таъминлашга ҳам Халқ банки томонидан катта эътибор берилаяпти. Доимий нақд пул тушумига эга бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хўжалик субъектларида савдо қоидаларига амал қилиш, нақд пулни назорат-касса машиналари орқали қабул қилиш ва пулнинг тўлиқ банкка топширилишини қатъий назоратга олиш, сўнгра ушбу маблағларни ижтимоий ҳамда барча бошқа турдаги тўловларни амалга оширишга йўналтириш борасида зарур чоралар кўрилди. Банкнинг ҳар бир ходими бу масалаларга жиддий масъулият билан муносабатда бўлмоқда. Натижада ўтган йили банк кассаларига 2 триллион 52 миллиард 400 миллион сўм, шу жумладан, 1 триллион 59 миллирад 200 миллион сўм савдо тушуми, 172 миллиард сўмлик коммунал тўловлар кирим қилинди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 591,6 миллиард сўмга кўп, демакдир.

Шуни таъкидлаш керакки, банк томонидан мутахассислар малакасини узлуксиз ошириб бориш, энг сўнгги банк янгиликлари ва иш юритиш тамойилларини ўрганиш, мақбулларини банк ҳамда унинг филиалларида жорий этиш ютуқлар гарови бўлаётир. Халқ банки тизимидаги ҳар бир ходим, ҳар бир мутахассис ўз ишини сидқидилдан адо этишга интилмоқда. Улар жорий йилда ҳам банк имконият ва салоҳиятини кўтаришга астойдил бел боғлашган. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Халқ банки нуфузининг янада ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Халқ банки матбуот хизмати.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

ОНА ЮРТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз

Нуроний отахонларимиз ҳар гал дуога қўл очганларида юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин, дея ният қиладилар. Зеро, осойишта, сарҳадлари мустаҳкам мамлакатдагина ривожланиш, буюк ўзгаришлар, фаровонлик бўлади. Барчамизга фахр ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, бу масъулиятли вазифа Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланаяпти.

Бугунги кунда ҳар томонлама тайёрланган, тезкор, ихчам профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямизда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзуси, шарафли бурчига айланди.

— Ҳозирда ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилмоқда, — дейди Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, офицер Роман Ан. — Бир ўринга бир неча йигит даъвогарлик қилаяпти. Улардан энг сараси, ҳар томонлама етук, билимли ва жисмоний тайёргарлиги юқори бўлганлари ҳарбий хизматга чақирилмоқда. Танловда Давлат тест маркази мутахассислари иштирок этиб, йигитлардан махсус тайёрланган дастур орқали имтиҳон олишади. Айни вақтда тиббий комиссиядан ўтилади. Синовда энг юқори балл олганлар бир йиллик ҳарбий хизматга чақирилиш шарафига муяссар бўладилар. Ҳарбий хизматга ярокли, деб топилиб, лекин танловда камроқ балл тўплаган фуқаролар сафарбарлик-чақирув резерв хизматига олинадилар.

Ҳарбий хизматга чақирувгача яъни, 16 ёшдан ҳарбий рўйхатга олганимизда ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги, соғлиғи, қайси соҳага қизиқиши эътиборга олинади ва шифокорларнинг тавсияси билан улар маълум йўналишлар бўйича тайёрланади. Чақирувнинг бир йилда бир марта жорий этилиши армияда соғлом маънавий муҳитнинг қарор топишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда чақирув участкалари капитал таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Чақирилувчиларни сифатли тиббий кўрик ва синовдан ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилди.

— Биз ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан доимо алоқада бўлиб турамиз, — дейди офицер Шаҳриёр Матназаров. — Ёш аскарларимиз Ҳарбий қасамёд қабул қиладиган кунда туманлар ҳокимиятлари вакиллари, ота-оналар, санъаткорлар билан ҳарбий қисмларда бўлишади, Ватан ҳимоячиларини табриклашади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётган ёшларнинг ота-оналарига ташаккурномалар жўнатилади. Яна шуниси диққатга сазоворки, ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларини олган ёшларимиз мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлишмоқда. Талабалик бахтига муяссар бўлганлар орасида чинакам ҳаёт мактабини ўтаган сирдарёлик ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ёшларни аждодларимиз, оталаримиз, акаларимиз кўрсатган жасорат тимсолида ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мисол учун, сирдарёлик катта лейтенант Алишер Салимов, катта сержант Эломон Отажоновнинг хотирасини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Улар мустақиллигимиз, юрт тинчлиги, осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлишган. Ҳозир қаҳрамонлар яшаган Янгиер ва Сирдарё шаҳридаги кўчалар уларнинг номи билан аталади.

Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Зеро, Ватанни, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА

Жиззах Олимпия захиралари коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб вилоят ҳудудидаги ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Байналмилал жангчилар уюшмаси жамоалари ўртасида спартакиада ўтказилди.

Спортнинг етти тури бўйича уюштирилган мусобақа қизғин курашлар остида кечди. Унда ҳар бир жамоа кучли жисмоний тайёргарликка эга эканлигини амалда намойиш этди.

Якунда мини футбол бўйича Байналмилал жангчилар уюшмаси ва Чегара қўшинлари жамоаси, енгил атлетикадан эса Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти спортчилари ғолиблар сафидан жой олдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона шаҳрида жойлашган бу ўқув юртини чинакам ватанпарварлар тарбияланадиган маскан дейиш мумкин. Дастлаб ҳарбий таълим мактаби сифатида иш бошлаган ушбу муассаса Президентимизнинг 2007 йил 22 майдаги Фармонига биноан ҳарбий-техник йўналишдаги академик лицейга айлантирилди.

ЁШЛАРНИНГ ЧИНИҚИШ МАСКАНИ

Бу ерда мамлакатимиздаги олий ҳарбий ўқув юртлари учун абитуриентлар тайёрланади. Эътиборли жиҳати шундаки, лицейда билим олишни истаган ўсмирлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир.

Билим даргоҳида ўқув жараёнлари, таълим-тарбия ишлари қатъий тартиб асосида олиб борилади. Бу эса ёшларга кейинги ҳарбий хизмат жараёнида асқотиши табиий. Лицейда дастлабки сабоқларни олганлар ҳозирда Қуролли Кучларимиз сафида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда. Улардан Олимжон Амиржонов, Шавкат Ўринов, Ҳамид Аллобиддинов, Одил Умрзоқов, Улуғбек Шералиев, Ҳамиджон Дадабоев, Лутфулла Бузруковларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бугунги кунда чинакам Ватан ҳимоячиси бўлиш орзусида шу даргоҳда билим олаётган ўқувчилар — Азизбек Адҳамов, Мирзиёд Расулов, Алишер Фатҳуллаев, Акмал Валихонов сингари кўплаб ёшлар аъло ўқишлари, намунали хулқлари, спорт ҳамда ҳарбий машқларда эришган ютуқлари билан акалари изидан боришга астойдил ҳаракат қилишаяпти.

Лицейда ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу даргоҳ тўлиқ таъмирланиб, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Олдинги казармалар икки ва уч нафардан ўқувчи яшайдиган шинам ётоқхоналарга айлантирилди. Ҳар бир қаватда "Маънавият ва маърифат" хоналари ташкил қилинди. Математика, физика, механика, чизмачилик, информатика, ҳарбий таълим хоналари бугунги кун талабига мос ўқув жиҳозлари ҳамда воситалари билан тўлиқ таъминланган. Энг сўнгги русумдаги компьютер билан жиҳозланган синф хоналари ёшлар ихтиёрида. Яқинда вилоят Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти таълим муассасасини картинг ва бошқа техник воситалар билан таъминлашни зиммасига олди.

Ватан ҳимоячилари кунини мазкур лицей жамоаси ҳам катта тантана билан нишонлади.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЯНЧИМИЗ, ФАХРИМИЗ

Косон туманидаги "Дўстлик" қишлоқ фуқаролар йиғинида, Чироқчи, Касби туманлари марказида "Миллий армия — таянчимиз, фахримиз" мавзуида ўтказилган давра суҳбатлари, Муборак туманида "Мардлар қўриқлайди Ватанни" шиори остида ўтган "Ёшлар форуми" ҳамманинг ёдида қоларли бўлди. Бу тадбирлар маҳаллий ҳокимиятлар, туман мудофаа ишлари бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фарзандларимизни ҳарбий хизматга тайёрлашда ҳарбий-техника мутахассисликларини ўқитиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда Қарши шаҳри ва Шаҳрисабз туманида махсус мактаблар ташкил этилган. Қаршидаги мактабимизда радиотелефончи, ҳарбий ошпаз, дизелчи-электрчилар тайёрланади. Шаҳрисабзда эса ҳайдовчи ҳамда кинология мутахассисликлари мавжуд.

Ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш фаолиятимизнинг муҳим бўғинидир. Чунки соғлом, жисмонан бақувват фарзандлар Қуролли Кучларимиз учун ишончли захира ҳисобланади. Ўтган йили вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази, ўқув муассасалари ҳамда туманлардаги ўқув спорт техника-клубларимизда 51 та спорт секцияси, 123 та тўгарак фаолият кўрсатди. Уларда 3105 нафар спортчи мунтазам шуғулланди. Картинг, авторалли, автокўпкураш, дуатлон, ҳарбий-амалий кўпкураш, авиа ва ракета моделлари бўйича клубларо туман ҳамда вилоят биринчиликлари ўтказилди. Бу беллашувларда энг яхши натижаларга эришган спортчилар мамлакат миқёсидаги мусобақаларда вилоятимиз шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб келишмоқда. Дуатлон бўйича Илдус Бикмаев мураббийлигидаги вилоят жамоаси Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Триатлон бўйича жамоамиз республика биринчилигида учинчи ўринни эгаллади. Автокроссчи Баҳодир Кенжаев, автомобиль кўпкураши қатнашчиси Жасур Темиров, кема модели устаси Шамсиддин Дўсиев каби спортчиларимиз мамлакат биринчилигида совриндор бўлишди.

Халқимизда "Мардлар қўриқлайди Ватанни" деган ибратли нақл бор. Ҳақиқатан ҳам, фарзандлари соғлом, бақувват, мард ва жасур бўлган юртнинг чегаралари мустаҳкам, осмони мусаффо, келажаги порлоқ бўлади. Бизнинг эзгу мақсадимиз ёшларни ҳақиқий ватанпарвар, баркамол авлод қилиб тарбиялашдек муқаддас ишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Бойназар САФАРОВ,
Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси.

24 соат ичида

ЖАҲОН

Исроиллик археологлар Тель-Авив шаҳрида ибтидоий жамоа тузуми давридаги тураржой биносини топишди.

Ноёб топилма

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, ушбу маскан неолит даврига тегишли экан. Топилмалар орасида саккиз минг йиллик тарихга эга асбоб-ускуналар, қурол-аслаҳалар бор.

Инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда

Гаитида юз берган зилзила катта талафотларга сабаб бўлди.

Табиий офат оқибатида юзлаб одамлар ҳалок бўлган, бедарак йўқолганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари, ер силкиниши пойтахт Порт-о-Пренс шаҳри инфратузилмасига жиддий зиён етказган. Маъмурий ва тураржой бинолари вайронага айланган. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу мамлакатга зудлик билан ёрдам кўрсатишга қарор қилган. Шунингдек, Гаитига АҚШ, Германия, Бразилия, Венесуэла, Франция каби давлатлар ҳам ёрдам юклари ва қутқарувчилар гуруҳини жўнатган.

Маълумотларга кўра, Гаити тарихида кейинги 200 йил ичида бундай вайроналарга сабаб бўлган зилзила кузатилмаган экан.

Томошанинг ҳам меъёри бор



Кунига уч соатдан кўп телевизор томоша қилиш одамларнинг юрак хуружи билан касалланишини тезлаштириши мумкин.

Бундай хулосага австралиялик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар якунида келинди. Изоҳланишича, ҳар куни тўрт соатдан кўп телевизор қаршисида ўтириш бу касталикка чалинишни 80 фоизга оширади. Бундан ташқари, кунига бир соат мабайнида ойнаи жаҳонга термулиш саратон касаллиги пайдо бўлишини тўққиз фоизга ошириши мумкин экан.

Ижобий ҳолат кузатилди

Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида Буюк Британия иқтисодиётида ижобий ҳолат кузатилди.

Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар Миллий институти (NIESR) ҳисоб-китобларига кўра, бу даврда мамлакат иқтисодиётида 0,3 фоиз ўсиш қайд этилган. Бу кўрсаткич экспертларнинг Буюк Британия таназзулдан чиқа бошлади, деган фикрларига сабаб бўлмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Болалар спорти

ШУМАНАЙЛИК ЧЕМПИОНЛАР

Шуманай тумани халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бундан уч йил муқаддам фойдаланишга топширилган эди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида бунёд этилган ушбу мажмуада 540 нафар ўғил-қиз футбол, баскетбол, миллий кураш ва енгил атлетика бўйича ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Уларга 21 нафар тажрибали мураббий спорт сирларини ўргатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, яратилган қулай шароитлар, мураббийларнинг фидойи меҳнатлари самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб спорт мактаби тарбияланувчилари мамлакат миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда яхши натижаларга эриша бошлашди. Жумладан, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг республика босқичида ушбу мактаб баскетболчи қизлари учинчи, ўғил болалар жамоаси эса тўртинчи ўринни эгаллади. А. Аймуратов, М. Машарипов, Б. Шербоев, М. Айтбоев ва А. Бекжановлар миллий кураш бўйича кўплаб мусобақаларда фахрли ўринларга сазовор бўлдилар.

— Туманимизда иқтидорли ёшлар кўп, — дейди Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Марат Қутлимуратов. — Айни пайтда уларни излаб топиш ва мактабимизга жалб этиш борасида ишлар олиб бораяпмиз. Шунингдек, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг навбатдагисига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзэлектркабелсавдо»:

ИЗЛАНИШЛАР ШАРОФАТИ

Пойтахтимизда жойлашган «Ўзэлектркабелсавдо» очиқ акциядорлик жамияти ўз фаолияти давомида истеъмолчиларни турли русумли электродвигатель, ҳар хил қувватли трансформатор, электротехник ва кабель ўтказгич маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Яқиндан бошлаб эса ушбу жамият эгилувчан бурма қувурлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Таъкидлаш керакки, ҳали мамлакатимизда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаган эди. Ўтказилган тадқиқотлар ушбу маҳсулотга талаб борлигини кўрсатди. Шу боис жамият Ҳамдўстлик давлатлари ва хорижда кенг қўлланилаётган Италиянинг "OLMAS" компанияси техникаси асосида эгилувчан бурма қувурлар ишлаб чиқара бошлади. Ўз-ўзидан ўчувчи хусусиятга эга бундай маҳсулотлар асосан аланга олиши мумкин бўлган қурилиш материаллари ишлатиладиган иншоотларда қўлланилади. Шунингдек, улар очиқ ва ёпиқ электр симлари ўтказишдан ташқари ер остига ётқизиш мумкинлиги ва катта транспорт юк босимига бардошлилиги билан аҳамиятлидир. Эгилувчан бурма қувурлар суньий пол ва шифт орқали кабель ётқизишда ҳам ўта қулай.

— Хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт ҳажмини ошириш ҳамда ички бозорни импорт ўрнини босадиган маҳсулот билан таъминлаш мақсадида корхонамизда "Uzvinil" савдо маркаси остида электротехникага мўлжалланган қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди «Ўзэлектркабелсавдо» ОАЖ раҳбари Ильдар Сафагариев. — Қувурлар Италия технологияси асосида Россияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли ўт олмайдиган материаллардан тайёрланади. Бу қувурлар ёнғиндан ҳимояланган, нам ўтказмайди ва емирилишга қарши хусусиятларга эга. Илгари аксарият корхоналарда таъмирлаш-қурилиш ишларини олиб боришда ходимлар ҳаёти хавфсизлиги эътиборга олинмаган. "Шу тарзда ишлайверсак ҳам бўлади", қабилида иш тутилган. Ушбу қувурлар эса кабель ўтказгичларни механик шикастланишдан, ёнғин чиққанда ток уришдан асрайди. Энг муҳими, инсон ҳаёти ҳимояда бўлади.

Аслида, корхонада техник талаблар инобатга олиниб, 16, 20, 25, 32, 40, 50 ва 63 миллиметрли эгилувчан бурма қувурлар ишлаб чиқариш назарда тутилган эди. Ички ва ташқи бозордаги талаб ҳамда таклифлар асосида «Ўзэлектркабелсавдо» ОАЖда 2009 йил, аввало, 16, 20, 25 ва 32 миллиметрли қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Эндиликда эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда. Шу боис ҳам жамият республикамиз ва хориж бозорларида ўзини ишончли ҳамкор сифатида намоён этмоқда. Кези келганда шуни айтиш жоизки, малакали маркетинг ва инновацион сиёсат, нарх белгилашда ўзаро манфаатли ёндашув электротехника ва кабель маҳсулотларининг асосий талабгорлари — "Ўзэнерготаъминлаш" ОАЖ, "Ўзтрансгаз" АК, "Oniks" ОАЖ, Қўнғирот сода заводи, "Навоийазот" ОАЖ каби йирик корхона, ташкилотлар билан шартномавий муносабатларни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлашга имкон яратди.

Маълумки, бугунги кунда уйжой, саноат иншоотлари, маданий-маиший бинолар, лицей, коллеж, мактаб бунёд этувчи ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан электр ўтказгичнинг янги турига эҳтиёж катта. Шуни инобатга олиб, «Ўзэлектркабелсавдо» ОАЖда эгилувчан бурма қувурларни узлуксиз ишлаб чиқариш учун барча зарур шарт-шароитга эга қўшимча бино ишга туширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг марказида жойлашган ва экспорт қилишга мўлжалланган ҳудудлардаги барча давлатлар билан чегараларга эга. Масофанинг яқинлиги ва темир йўл харажатларининг камлиги экспорт нархига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса корхонанинг истиқболини белгилайди

— Режаларимиз бисёр, — дейди корхона раҳбари. — 2009 йил давомида жамиятимиз томонидан ўзлаштириш босқичида 1500 километрдан ортиқ эгилувчан бурма қувурлар тайёрланди. Кейинги йилларда бундай маҳсулотлар тайёрлаш ишлаб турган линиялар ҳисобига олинган ҳолда режалаштирилган бўлса, 2011-2012 йилларда эса ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳисобига тайёрланади. Айни пайтда импорт ўрнини босадиган эгилувчан бурма қувурлар ҳажмини кенгайтириш ва турини кўпайтириш мақсадида жамият томонидан қўшимча технологик линиялар сотиб олиш, уларни ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда. Ўйлайманки, изланишлар тезроқ самара беради.

Маъсуда ЁҚУБОВА. t

Интилиш

ОБ-ҲАВО (15 январь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Туман тушади. Тунда 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғади. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 2-4, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк раиси ўринбосари Муродилла Эшматовга падари бузруквори **ЁҚУБ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Туркиёт кафедраси профессори, филология фанлари доктори, академик Алибек Рустамовга рафиқаси **ОЗОДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Мадад" суғурта агентлиги жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Усниддин Солиевга отаси **Карамадин СОЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 22.20 1 2 3 5